ОРОЛ ДАРДИ — МЕНИНГ ДАРДИМ

# ЛОЙИҲА КЎП, ЕЧИМЛАР МУЖМАЛ

Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятининг Амударё ноҳиясидаги 44-автокорхона ҳайдовчиси Жумабой Ўрозбоев биз билан суҳбатда куюнчаклик билан шундай деди:

— Бир куни ишхонамизга Тошкентдан зиёлилар келиб, мажлис ўтказишди ва: «Ҳар ким кўнглидан чиқариб Оролга ёрдам қилсин», — дейишди. Ҳаммамиз беш сўм-ўн сўмдан ёзилдик. Бошқа ишхонадагилар ҳам шундай қилишди. Мана уч-тўрт йилдан бери Оролга сув берамиз, дейишади. Одамлар ишониб ёрдам кўрсатишяпти. Бироқ бизнинг Манғитда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Тоза сувни 12 чақирим йўл босиб, қўшни Туркманистондан олиб келамиз. Мендаку машина бор. Улови йўқлар касал бўлишса ҳам дарёнинг шўр сувини ичишаяпти. Туз-чангни айтмайсизми, нафас олиб бўлмайди. Ҳаммаси қуруқ гап. Агар Орол пул билан сувга тўлганида аллақачон ўзининг олдинги ҳолига қайтган бўларди. Ҳукуматнинг ўзи оз пул ажратаяпти, дейсизми?

Жумабой Ўрозбоев ҳақ. Қанчалик кўп маблағ сарфланмасин, Орол денгизини унинг ҳозирги ҳолатида ҳам сақлаб қолишнинг иложи бўлмаяпти. Мен Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти Вазирлар Кенгаши раиси Амин Ҳамроевич Тожиевдан: «1989 йилда Оролга қанча сув борди?» — деб сўраган эдим, шундай жавоб олдим:

— Уч куб километр атрофида. Аслида денгиз сатҳини ҳеч бўлмаса ҳозирги даражада сақлаб қолиш учун камида 7—8 куб километр сув бориши керак эди. Мўлжалдаги оби ҳаётнинг ярми ҳам бормаяпти. Аҳвол жуда ташвишли.

Ана энди Ўрта Осиё ирригация илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлимининг катта илмий ходими Худойберган Қўсназаровнинг сўзини эшитинг:

— Денгиз сатҳи 13 метр пасайиб кетди. Илгари денгизнинг таги бўлган икки миллион гектар ер қуриб, зарарли тузлар манбаига айланиб қолди. Бу чангли тузлар шамол турганда ҳавога кўтарилиб, юзлаб километр масофага бориб тушаяпти, табиатни хазон қилаяпти.

— Қуриган денгиз тагидан ҳар йили қанча туз кўчаётганлиги ҳисоб-китоб қилинганми? — сўрайман Худойбергандан.

— Унинг миқдори аниқланган, — дейди у. — Тажриба ўтказган олимларнинг маълумотларига кўра, Орол денгизининг Қозоғистон томонидаги қуриган ҳар гектар еридан йилига 60—70 тонна туз кўчади. Ўз навбатида бирлашмамиз олимлари ҳам тажриба ўтказишди. Маълум бўлишича, биз томонда қуриган денгизнинг ҳар гектар майдонидан йилига 12—20 тонна туз тўзон бўлиб осмонга кўтариларкан.

— Ўша тузли тўзоннинг атрофга тарқалиши қандай?

— Биз буни турли нуқталардан аниқлаяпмиз, — дейди Худойберган. — Масалан, Мўйноқ атрофига ҳар гектар майдонга йилига 3.750 килограмм чанг тушаяпти, шунинг 582 килограмми сувда эрийдиган тузлар. Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳар ва ноҳияларида йилига ҳар гектар ерга тушадиган тузли чанглар ўртача 1.300—3.200 килограммни ташкил этаяпти. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳа, денгиз тобора қуриб, аниқроғи ўлиб, тузли тўзон тобора кучайиб, тўғрироғи, фожиали офатга айланмоқда. Ўз навбатида Орол фонди кенгайиб, давлат ажратаётган маблағ кўпайиб бормоқда. Антиқа рақобат: машъум офатга (унга ўз нодонлигимиз билан йўл қўйдик) ақл-идрок, журъат, узоқни кўра билиш эмас, пул қарши қўйилмоқда. Гўё кўпроқ маблағ сарфласак, ҳаммаси жойига тушади, офат чекинади. Жон талвасасида ётган инсон кошонага эмас, бир томчи сувга ташна. Орол ҳам шундай аҳволда. Ҳозир ерли аҳолини сақлаб қолиш учун янги завод-фабрикалар, шифохоналар, мактаб ва бошқа маориф муассасалари, ижтимоий-маиший шохобчалар, кўплаб турар жойлар қурилаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхши. Ўша фондлар, маблағлар шунга сарфланаяпти. Бироқ асосий масала қолиб кетаяпти-ку! Оролнинг ташналигини қондириш учун эмас, ҳеч бўлмаса унинг умрини узайтириш учун нима иш қилинди? Ёки деҳқончилик майдонларига туз ёғиши камайдими? Асло! Сарфланаётган миллионларнинг эса ҳисоб-китоби йўқ. Оролбўйининг аянчли манзараси мана бундай: оппоқ шўр қоплаган ер, ўсимлик, ҳайвону ҳашаротлар сийраклашиб кетган, тузли чанг-тўзондан кўз очиб бўлмайди. Бироқ кўп қаватли турар жой бинолари, бурқситиб қора қуюн чиқараётган асфальт-бетон, темир-бетон, керамзит заводлари, уйсозлик комбинатлари, нажот минораси (ичимли сув тақсимлаш иншооти) табиат қаҳрига учраган ёдгорликдек қаққайиб турибди. Юзлари заъфарон одамлар шифокор ҳузурига кириш учун тирбанд. Айтинг-чи, бунақа ҳаётнинг кимга кераги бор? Агар Орол денгизига сув бормаса, ҳар қандай катта қурилишлар, миллиону миллиардлар билан Хоразм воҳасини, қорақалпоқ элини, умуман, жумҳуриятимизнинг асл табиатини сақлаб қолиб бўлмайди.

Ҳозир Орол денгизининг тақдири бир пайтлар уни «чиройли ўлдириш» режасини тузган мўътабар маҳкамалар қўлида. Бу йил 300 миллион сўмлик иш бажариши кутилаётган «Аралводстрой»дек махсус қурилиш бирлашмаси ҳам қўли узун, аммо хато қилиб жиддий нуқсонини тан олмайдиган мазкур идоралар ихтиёрида. Орол денгизини сақлаб қолишга юқоридаги махсус қурилиш бирлашмасига ўхшаган ўнга яқин ташкилот жалб этилган. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг иш натижалари Оролга қанча сув борганлигига эмас, қанча маблағ ўзлаштирилганлигига қараб баҳоланади. Шундай экан, миллионлар аёвсиз сарфланаверади, янги-янги нажот лойиҳалари ишлаб чиқилаверади.

Дарвоқе, лойиҳалар ҳақида. Оролга боғлиқ, умуман, Оролнинг ҳалокати оқибатида юзага келган ижтимоий-экологик вазиятга боғлиқ қайси бир лойиҳа билан танишманг, фақат бир неча ўн миллионлар, юз миллионлар ҳақида гап боради. Уларнинг баъзилари амалга оширилаётган бўлса, баъзилари янги-янги миллионларни кутиб навбатда турибди. Мана, биттасини олиб кўрайлик.

«Туямўйин — Нукус» сув йўли қурилишининг довруғини ҳамма эшитган. Унинг лойиҳасини «Узгипрокоммунинжпроект» институти мутахассислари ишлаб чиқишган. Лойиҳада 178,3 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми эса 142,6 миллион сўмлик. Сув йўлининг узунлиги 380 километр, тозалаш иншооти бир кеча-кундузда 340 минг куб метр ичимли сув ўтказиш қувватига эга. Сув йўлининг 288 километр узунликдаги биринчи навбати (тозалаш иншоотининг бир кеча-кундуздаги сув ўтказиш қуввати 170 минг куб метр) ўтган йилнинг охирларида ишга тушиши керак эди. Унинг айрим шохобчалари 1990 йилдагина фойдаланишга топширилди. Биз айтмоқчи бўлган фикр иншоотнинг қачон ишга туширилганлигида эмас. Гап ўша кўп миллионли қурилишнинг аҳамияти, самараси, аҳолига нафи ҳақида бораяпти. Нукусда бўлганимизда «Туямўйин-Нукус» сув йўли қурилиши дирекциясининг раҳбари Эркин Ўнғалович Татибоев билан суҳбатлашдик.

— Бу узунлиги, сув ўтказиш қуввати жиҳатидан Ўрта Осиёда, ҳатто Иттифоқда десак ҳам бўлади, биринчи йирик тармоқдир. Дарёга қиёслаш мумкин — секундига беш куб сув беради, — дейди Эркин ака. — Қарийб 200 миллион сўм (лойиҳадагидан анча ортиқ) маблағ ўзлаштирилади. Биринчи навбатда Нукус шаҳри, Чимбой, Кегайли, Тахтакўпир, Қораўзак, Шуманай, Ленинобод, Хўжайли ноҳияларига оби ҳаёт етказилади. Кейин бошқа ноҳияларга қувур ётқизилади. Янаги беш йилликда Қўнғирот билан Мўйноққа ичимлик сув олиб бориш мўлжалланмоқда.

— Демак, бутун қорақалпоқ эли шу иншоотнинг тўлиқ ишга тушишини орзиқиб кутаяпти денг?

— Шундай.

— Эркин ака, Туямўйинда шундай катта ичимли сув манбаи борми? —

— Бундай манба йўқ, уни оби ҳаёт омборидан оламиз ва шу ердаги 20 гектар майдонни эгаллаган тозалаш иншоотида (унинг қиймати 27 миллион сўм) тозалаб, қувурлар орқали Нукусга берамиз. Бу ерда сув водопровод тармоқларига тарқатилишидан олдин яна тозалаш иншоотида қайта ишловдан ўтказилади.

— Туямўйин сув омборидан олинадиган сув ҳозир нукусликлар истеъмол қилаётган сувдан фарқ қиладими?

— Жуда кам.

— Унда шундай катта сув йўли қуришдан кўра, ўша маблағнинг бир қисмига Нукусда катта қувватга эга бўлган тозалаш иншооти барпо этишнинг ўзи етарли эмасмиди?

— Шундай қилса ҳам бўларди. Туямўйиннинг суви яхши эмаслигини кейинчалик билиб қолишди.

Бизда шунақа, ҳаммаси кейинчалик, миллионлар сарфланиб бўлгандан кейин аниқланади. Бу дард мутахассислар, олимларимизга йўргакда теккан. Татибоевнинг гапидан кейин Мухтор Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг раиси А. Тожиев ҳузурида бўлдик. «Туямўйин ҳавзасидан олинадиган оби ҳаёт сифати тоза ичимли сув талабларига жавоб бермайди. Ҳатто тозалаш иншооти ишлатилгандан кейин ҳам бунга кафолат бериб бўлмайди», — деди Амин Ҳамроевич аниқ ва равшан қилиб.

Эркин Ўнғаловичнинг сўзига қараганда, айни пайтда Англиядан ўта шўр оби-ҳаётни сифатли ичимли сув қилиб қайта ишлаб берадиган ускуналар ҳамда тайёр кичик цехлар олиниши кутилаётган экан. Бу — ҳозирча режа. Масала ҳал бўлгандан кейин яна миллионларга чанг солинса керак, негаки инглизлар арзон-гаровга беришмаслиги аниқ.

Бу йил бир гуруҳ СССР халқ депутатлари «Известия» рўзномасида шундай деб ёзишди: «Агар кимда-ким Сув хўжалиги министрлиги «аср лойиҳалари»нинг вақти ўтди деб ўйласа, у хато қилган бўлади. Сув хўжалиги министрлиги мутахассислари ва ташкилотлари (айтайлик САНИИРИ, унинг раҳбари В. А. Духовний тимсолида) Оролни ҳалок қилиш учун миллиардларни сарфлаган бўлсалар, энди уни худди шундай — айнан гидротехник усулларда, яъни янги каналлар ётқизиш билан «қайта тиклаш» учун шунча пулни олишмоқда. Оролни қайта тиклаш учун аввало гидротехник эмас, мелиоратив ишлар зарур (бу тўғрида ҳам матбуотда бир неча бор айтилди)». Ҳа, Духовнийнинг Тошкентдаги идораси — Ўрта Осиё ирригация илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзи ҳалок қилган денгизни гўё қайта тирилтиришдек сеҳр кучига эга бўлган асосий муассаса. Унинг сеҳр дориси — лойиҳа. Бу жуда қиммат, миллионлар билан баҳоланади. «Давоси» бўлмаса ҳам мижозини ишонтира олади. Дарвоқе, мазкур ташкилот лойиҳа ишлаб чиқсагина миллионлар ўзлаштирилади. Лойиҳалар эса кўп. Айримлари амалга оширилаяпти, баъзиларига ҳали қўл урилмаган. Маблағ йўқлигидан навбат кутиб турганлари ҳам бор.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорақалпоғистон бўлимида бўлганимда катта илмий ходим Худойберган Қўсназаровга шундай савол билан мурожаат этдим:

— Бўлимингиз асосан нима иш билан шуғулланади?

— Қуриган денгиз тагининг шўрланиш даражасини, тузнинг кўчишини ва келтираётган зарарини ўрганаяпмиз, тупроқдаги тузни ювиш усуллари устида ўйлаяпмиз, сув етишмаган пайтда қандай резерв сувлардан фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмас — шу ҳақда бош қотираяпмиз, — дейди Қўсназаров.

— Демак, сизлар чанг-туз ҳамда сув муаммолари билан шуғулланаётган экансизлар. Хўп, чанг-туз кўчишини камайтириш, Оролга сув оқизиш билан боғлиқ қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?

— Қараб ўтирганимиз йўқ, лойиҳа ишлаб чиқдик. Мана, марҳамат, кўринг, — у бизни картага туширилган лойиҳага таклиф қилди. — Мана бу Орол денгизининг қуриган жойи. Ержанатовдан Устюртга қараб 4,5—5 метрли, Қорақалпоғистоннинг аҳоли пунктлари томонга 1,5—2 метрли тўғон қурилади. Иккаласининг ўртаси коллектор-дренаж сувлари ҳамда дарёларнинг озгина сувлари тўпланадиган ҳовуз — сунъий денгиз бўлади.

— Кечирасиз, бу ҳавзанинг кенглиги ва чуқурлиги қанча бўлади?

— Чуқурлиги 4 метрдан 7 метргача, кенглигига келсак, баъзи жойлари 1,5—2 километр бўлса, баъзи жойлари 20—25 километрга боради. Агар лойиҳамиз амалга ошса, Оролнинг қуриган ерларидан учиб келаётган чанг-тузларнинг бир қисми шу ҳавзада «ушланиб» қолаверади.

Бу лойиҳани ишлаб чиққан олимларни билмадиму аммо бу «янгилик»ни эшитибоқ менинг хаёлимга келган фикр шу бўлди: озмунча сув омборлари етмаганидек яна сунъий денгиз, бунинг устига Амударё билан Сирдарёни коллектор дренажларнинг шўр суви билан қориштириб, унга оқизилса, Оролнинг тақдири нима бўлади? Қолаверса, бу «мўъжиза» рўй берса, Қорақалпоғистоннинг ҳозир деҳқончилик қилинаётган аксарият экин майдонлари баттар шўрланиб, захланиб кетмасмикан?

— Худойберган, ҳозир сиз айтгандай, денгиз томон тўғон-у яшил белбоғ билан тўсилди, дейлик. Лекин бу билан нима ўзгаради? Тўсилмаган томондан чанг-туз кўчаверади-ку? — мурожаат қиламиз ҳайратланиб.

— Тўғри. Тузнинг кўчишини умуман тўхтатиб бўлмайди. Бироқ уни сал пасайтириш мумкин, — дейди у.

— Хўп, лойиҳани тайёр қилибсизлар, уни амалга ошириш учун қанча маблағ керак?

— Камида 120 миллион сўм.

— Ўҳ-ҳў! — деб юборибман шошганимдан.

Худойберган бўлса бамайлихотир:

— Ҳайратланманг, «Аралводстрой»нинг пули кўп, ажратса бўлади, — дейди.

Ниҳоят, нажот лойиҳаси ижодкорларидан бирига сўнгги саволни бердим:

— Сизнингча, Орол денгизини сақлаб қолса бўладими?

У бироз ўйланиб жавоб қилди:

— Шу саволни ҳар куни бир-биримизга берамиз. Қилинаётган ишлардан кўнглимиз тўлмайди.

Бу фикр-мулоҳазалардан ҳайратланмадим. Негаки, бир-биридан қиммат лойиҳалар, «муҳим» ва «тарихий» қарорлар, ҳар қандай юксак минбардан туриб берилган ваъдалар, шу ишга ажратилаётган миллионлар билан Оролни сувга тўлдириб бўлмайди. Қачонки, бундан қирқ-эллик йил олдинги ажойиб боғларимиз, хусусан, оғир йилларда ҳосили элни очликдан, дарддан омон сақлаган мевазору узумзорларимиз, сурув-сурув қўй-қўзилару олачипор говмушлар ўтлайдиган яйловларимиз, қовун сайлию хандалакхўрлик қиладиган полизларимиз, олтин бошоқ лалми адирларимиз, ҳозирда сийнасини шўр қоплаган она еримиз, ҳам заҳарланиб, ҳам суви таланган дарёларимизу анҳорларимиз асл ҳолига қайтсагина, айтиш мумкинки, мўъжиза рўй беради. Бунинг учун миллионлар сарфлаш керак эмас, балки пахта яккаҳокимлигини жиловлаб, жумҳурият манфаати йўлида қатъият кўрсатиш зарурлигини ҳамма тушуниб турибди.

**И. НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бўлим мудири.**

## ЧИҚИТСИЗ ИШЛАМОҚДА

Советободдаги «Тарандубитель» бирлашмасининг тикув цехи чиқитсиз ишлай бошлади. Илгари ташлаб юбориладиган сунъий чарм қийқимлари корхонага даромад келтира бошлади. Улардан аҳолига манзур бўлаётган хўжалик сумкаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Чиқитларни шаҳардан ташқарига ташишнинг ўзига анчагина маблағ сарфланарди, — дейди халқ истеъмол моллари цехининг бошлиғи Ш. Матисоқова. — Бунинг устига, чиқитлар кўпинча ишлаб чиқариш майдонларини банд қилиб қўяр эди. Эндиликда бундай муаммолар йўқ. Янги цехда илгари уй бекаси бўлган йигирмага яқин аёл меҳнат қилмоқда. Ўтган ойда йигирма минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Янги цех илғорлари — Шаҳринисо Содиқова, Раъно Ҳасанова, Анорхон Ашурова, Рўзихон Раҳимова, Ҳошияхон Йўлчиевалар тажрибали ишчилардан қолишмай меҳнат қилдилар. Йил охиригача асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

## СИЁСИЙ БРИГАДАЛАР ЙЎЛГА ТУШИШДИ

Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятида мамлакатимизда бўлаётган воқеаларни аҳолига тезроқ етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсий бригадалар тузилди. Бригадаларга лекторлар билан бир қаторда КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари, олимлар, маданият ходимлари кирдилар.

Ташвиқотчилар режалаштирган дастлабки учрашув Тошкент вилоятининг Бўка районидаги Фрунзе номли колхозда бўлди. Учрашувда қизиқарли фикр алмашинув бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари бўлиб ўтган партия анжуманлари материаллари юзасидан кўп саволлар беришди. Улар «Билим» жамияти партия қарорлари, мамлакат ва жумҳурият президентлари фармонларига тегишли шарҳлар тайёрлаб беришса яхши бўлар эди, деган фикрни билдирдилар.

Айни вақтда Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларига ҳам сиёсий бригадалар жўнаб кетди.

## БИР КАСБДА ЭЛЛИК ТЎРТ ЙИЛ

Иш юзасидан Жалолқудуқ ноҳиясидаги Ленин номли колхозда бўлганимда Султонмаҳмуд отага «тилла одам», ўз ишининг устаси дея таъриф беришди. Баланд бўйли, буғдойранг, оппоқ мўйловли бу нуроний билан танишдик. У ҳар бир сўзни чертиб, дона-дона қилиб гапирарди. Ҳаёт, келажак ҳақидаги фикрларини эшитарканман, бутун умрини меҳнатга бағишлаган, дам олиш нималигини билмаган, қадоқ қўлли Султонмаҳмуд ота Ғафуров менда катта таассурот қолдирди. Ёши 70 да бўлса-да, ҳамон сафда, самарали меҳнат қилмоқда.

Меҳнат фаолиятини 16 ёшида тракторчиликдан бошлаган Султонмаҳмуд ота ҳозир Ленин номли колхознинг 1-устахонасида бош механик бўлиб ишламоқда. Эллик тўрт йил бир касбда ишлаб, оила тебратмоқда. Ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти намунали.

— Марказий Фарғона каналини қазигани борганимизда, — дейди ота, — ҳозирги техника қаёқда дейсиз? Қўл кучи, кетмон билан иш қилар эдик. Канални 45 кун деганда қазиганмиз.

Устахонага борган ҳар бир киши ота тўғрисида илиқ гаплар эшитади. Бунинг боиси бор, албатта, У ёшларга талабчан устоз, тажрибасини эринмай ўргатмоқда. Техникани авайлаб-асраш, ундан фойдаланиш тўғрисида маслаҳатлар беради. Қирғизбой Бакиров, Ҳусанбой Мўминов ва Абдусаттор Жўраев отанинг муносиб шогирдларидир.

Ундан фарзандлари ҳақида сўраганимизда юзларида қувонч порлади:

— Болаларим — менинг бахтим. Ўғилларим Абдуманноб, Дилмуродхон изимдан боришди. Неъматжон эса бош ветеренария врачи, қизларим Ёқутхон билан Малоҳатхон ҳамшира, Машрабхон ноҳия халқ маорифи бўлими бухгалтери, Манзурахон инглиз тили ўқитувчиси. 16 нафар ширин-шакар неварам бор...

Ҳа, Султонмаҳмуд ота ҳалол меҳнатдан бахт топган ажойиб кишилардан. Октябрь революцияси ордени ва бир неча медаллар соҳиби.

**Т. ШЕРМАТОВ.**

## ХУШХАБАРЛАР

Фарғона тўқимачилик комбинатининг бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ходимлари икки хил таомдан иборат бепул иссиқ нонушта билан таъминлана бошладилар. Корхона меҳнат жамоаси кенгаши ва касаба уюшмаси комитетининг қарорига биноан август-октябрь ойлари учун ана шу мақсадларга салкам 160 минг сўм пул ажратилди.

* * *

Андижоннинг 5-микрорайонида қурилган янги уйга 36 та оила кўчиб кирди. Биринчи қаватида магазин бўлган ана шу уйни 162-қурилиш трести қуриб битказди. Давлат қабул комиссияси янги уйни яхши баҳо билан қабул қилди. Йил охиригача трест бўлинмалари шаҳарликларга минг квадрат метр уй-жой қуриб беришни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАРАДДУД



### ДАРСЛИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитетининг «Ўқитувчи» нашриёти жамоаси мактаб дарсликларини чоп этиш планини бажарди. Жумҳуриятимизнинг барча вилоятларига, унинг ҳудудидан ташқарига 88 номда 19 миллиондан зиёд китоб жўнатилди. Аксарияти янги дарсликлардир. Қуйи синф ўқувчиси рангли китобларни илк бор қўлга олганда қувончига қувонч қўшилади.

Қоғоз танқислиги, матбаачилик базасининг заифлиги ва эскириб қолгани туфайли бу йил нашриёт учун ғоят қийин бўлди. Шунга қарамай таҳририят таркиби ҳамда босмахона ходимлари ишни аниқ, бир маромда ташкил этиш ҳисобига халқ депутатлари топширигини муваффақиятли бажаришди.

«Ўқитувчи» — ҳозирги кунда мамлакатимиздаги энг йирик ўқув-педагогика нашриётларидан бири. У келгуси йилга мўлжалланган китобларнинг ярмини 1 январгача чоп этишни режалаштириб қўйди.

**СУРАТДА: нашриёт ходимлари янги дарсликларни кўздан кечиришмоқда.**

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

## ЁЗНИНГ ҚИЗҒИН КУНЛАРИ

Жазирама ёз фасли... Айниқса халқ таълими ходимлари ҳозирги кунларда қизғин дамларни бошдан кечиришмоқда. Хусусан мактаб директорлари ва уларнинг хўжалик ишлари бўйича муовинлари буни яққол ҳис этишмоқда. Агар мактаб олдидан ўтиб қолгудек бўлсангиз, қурилишга кўзингиз тушади, ҳар доимгидек жорий ёки капитал ремонт ишлари олиб борилаётганини кўрасиз.

Тўғрисини айтганда ремонтнинг тезроқ тугаши директорларнинг ташаббускорлигига, ишбилармонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мана, икки йилдан буён ана шу қийин масалани пойтахт вилоятининг Тошкент ноҳиясида жойлашган В. И. Мичурин номли 25-ўрта мактаб директори Саъдулла Лутфуллаев оқилона ҳал этмоқда.

— Аввал бўлгани каби жорий йилда ҳам, — деди Тошкент ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири Ўткир Маҳмудов, — мактабнинг янги ўқув йилига тайёрлиги тўғрисида директор С. Лутфуллаев биринчилар қаторида ахборот берди.

Ҳали айрим синфларда имтиҳонлар тугамасиданоқ мактабда ремонт ишлари қизғин бошлаб юборилди, зеро, бунга аввалдан ҳозирлик кўрилган эди. Ажабланадиган жойи йўқ. Зотан, бу жумҳуриятдаги энг эски мактаб. Унинг қурилганига 63 йил бўлди. Синфхоналар бир қаватли, мослашган бинода жойлашган. Табиийки, ўтган ана шу муддат ичида унинг лойсувоқ деворлари мустаҳкам, шиплари эса чакка ўтмайдиган бўлиб қолди, дея олмаймиз. Шу сабабли бу ерда бўлажак ремонт ишларига олдиндан тайёргарлик кўрилади.

Ҳар бир ремонт учун маблағ кераклиги табиий. Агар район халқ таълими бўлими зарур миқдорда унга эга бўлмаса, бу маблағни қаердан олиш мумкин? Районда 28 та ана шундай ва ундан ҳам йирикроқ мактаб бор. Бунга қўшимча яна учта саккиз йиллик мактаб ҳам мавжуд. Мусиқа, иккита спорт мактаблари ва пионерлар уйи ҳам ҳар йилги ремонтга муҳтож. Ўнлаб болалар боғчаларини ҳам ҳисобдан чиқариб бўлмайди. Оталиққа олган ташкилот яқиндан ёрдам берса яхшию аммо кўпинча бунинг аксига дуч келиш мумкин.

Шундай экан, 25-ўрта мактаб қандай қилиб икки йилдан бери биринчилар қаторида ремонтни тугатишга муяссар бўлаяпти? Ана шу савол билан директорга мурожаат қилдик. У қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Эски мактаб яқингача «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» деб аталган жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган эди. Бу сердаромад, йирик хўжалик. Қариялар колхознинг биринчи раҳбари ва ташкилотчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Мирзаев номини ҳурмат билан тилга олишади. У нафақат хўжаликни, балки мактабларни ҳам намунали тартибда сақларди.

Йиллар ўтаверди, раҳбарлар ўзгараверди. Мактаб эса, юмшоқ қилиб айтганда, ташландиқ, гўёки етимча ҳолига тушиб қолди. Тўғри, қийналиб бўлса ҳам биз район халқ таълими бўлими, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари орқали мактаб яқинидаги 0,6 гектар колхозга қарашли ерни спорт комплекси қуриш учун ундиришга муваффақ бўлдик. Ана шундагина мактаб ҳовлисидаги яроқсиз спорт майдончасидан оқилона фойдаланишга қарор қилдик. Биз уни колхозчи Неъмат Абдуллаевга ижарага бердик. Икки йилдирки, ижарачидан 600 сўмдан пул олиб, уни педагогика кенгаши розилиги билан мактаб ремонтига сарфлаяпмиз. Бундан ташқари ўқувчиларимиз ижарачидан хўжалик ишларини юритиш бўйича кўргазмали сабоқ олмоқдалар.

Оталиқ ташкилоти масаласи ҳам ҳал бўлди, — қўшимчи қилди мактаб директори. — Яқинда собиқ «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози иккига бўлинди. Ажратилган жамоа хўжалиги донгдор раис Турғун Мирзаев номи билан атала бошлади. Ўғли — Ҳайрулла Мирзаев шу колхозга раислик қилмоқда. Мактаб янги хўжалик ҳудудида жойлашганлиги сабабли биз дарҳол ўзгача, яъни самимий муносабатни ҳис этдик. Раис янги мактаб қуриб беришни ўз зиммасига олди. 844 ўқувчига мўлжалланган янги типдаги бино лойиҳа-ҳужжатларини буюртирди. Пудратчи қурувчилар ҳам белгиланди. Бу «Облагрострой»га қарашли механизациялашган 3-кўчма колоннадир.

Ўтган ўқув йилида 400 га яқин ўқувчи икки сменада таълим олган эди. Бир сменага мўлжалланган янги мактабда ўқиш қанчалик яхши эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Эски бино эса, спорт секциялари ва дарсдан ташқари тўгараклар машғулотлари учун ажратилади. Менимча, бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чақириғига аниқ жавобдир.

Ҳозир эса 25-мактабда жимжитлик. Болалар ёзги таътилда. Ота-оналари билан биргаликда жонажон колхозларида хизмат қилишмоқда. Устозлар ҳам дам олишди.

Озгина вақтдан сўнг янги пардозланган мактабга ўқув қуроллари, китоблар келтирилиб, синфхоналар жиҳозланади. Ўқитувчилар анъанага кўра август педагогик кенгаши ва таълим-тарбия ишларини давом эттиришга тайёрланадилар.

— Қисқаси, янги ўқув йилига тайёрмиз. Ўзимизнинг болаларимизни, келажак авлодни кутмоқдамиз, — дея ҳикоясини якунлади мактаб директори.

**А. БАЯНОВ.**

## ТОҒ БАҒРИДА

Сирдарё районидаги колхозчиларнинг фарзандлари Зомин тоғларида жойлашган лагерда салкам бир ой дам олишиб, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Сирдарёликлар ёзги таътил даврида ҳордиқ чиқариш учун Оролбўйи ўқувчиларини ҳам таклиф қилишган. Ажойиб тоғ ҳавосию мазали таомлар ҳаммага етарли. Бу болалар билан бирга Охунбобоев номли колхоздаги 71-интернат тарбияланувчилари ҳам кашшофлар етакчилари ва мураббийларининг қайноқ меҳридан, қалб саховатидан баҳраманд бўлишмоқда. Ҳар сменада 400 га яқин, бутун мавсум давомида эса уч баробар кўп ўқувчи дам олади. Жумладан, Қорақалпоғистонга 200, интернатга 20 ўрин ажратилган.

Космонавт Комаров номи билан аталган ана шу лагерь ташкил этилганига бу йил чорак аср бўлди. Йигирма беш йил ичида бу ерда жами қанча ўғил-қиз ҳордиқ чиқарганини ҳисоблаб ўтиришга ҳожат бормикан?! Ундан кўра ҳозирги вақтга назар ташлаб, Тоғтерак қишлоғидаги Ўриклисой бўйида жойлашган бу оромгоҳнинг бир куни қандай ўтганлиги ҳақида сўз юритганимиз маъқул бўлса керак.

Шундай қилиб, кашшофларга рисоладагидек барча шарт-шароит муҳайё этилган: теварак-атрофдаги тоғларга саёҳатлар, турли спорт ўйинлари, тунги ва кундузги уйқу, кунига тўрт маҳал овқат, тўгараклар машғулотлари, гулхан атрофида қўшиқ ҳамда рақслар ва, албатта, кино. Бошқалардан фарқ қиладиган жиҳати шуки, бу лагерни етти колхоз оталиғига олган. Ҳозирча пайчилик асосида лагерни кенгайтириш ва қайта қуриш учун бир миллион сўмдан зиёд пул тўпланди. Ўйлаймизки, шунча маблағ эвазига бирор иш қилиш мумкин. Бу соҳада айниқса «Малик» совхози ва «Ленинград» колхози меҳнаткашлари ташаббус кўрсатмоқдалар. Болаларнинг дам олишидаги муаммоларни ҳал этишга асосли ёндашилаётгани сабаби ҳам шунда. Овқатланиш, кашшофлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларга эътибор аъло даражада, дейиш мумкин.

Лагерь жамоаси — байналмилал. 17 миллат вакиллари биргаликда аҳил-иноқ яшамоқдалар. Рақия Отаева беш йилдан бери кашшофларнинг бош етакчиси. У ўз касбининг устаси. Лагерь бошлиғи Абдуқодир Нурматов — малакали педагог. Сирдарё муаллимлар институти ва билим юрти талабалари — болаларнинг тарбиячилари. Бундай кадрларни танлашда лагерь асосчиси, Сирдарё шаҳар ижрокомининг собиқ раиси Назарбек ака Ҳайдаровнинг ҳиссаси катта. Лагерда ёзилмаган бир қоида бор — агар у яхши шифокорга эга бўлса, болаларнинг омади келди, дея веринг. Николай Андреевич Трибунский — ана шундай шифокор. У шу ерда бўлса, кашшофларнинг бош етакчиси ва лагерь бошлиғининг кўнгли тинч. Болалар насибасидан «туя» қилинмаган ширин ва тўйимли таомларни Шоиста Иброҳимова тайёрлайди. Дам олувчиларга етарлича овқат берилади.

Лагердаги ҳаёт нафақат кўпчилик болаларга, балки, ота-оналарга ҳам ёқади, шунинг учун аксарият ўқувчилар ҳар йили бу ерга такроран келадилар. Тоғларни жон-дили билан севиб қолган Эркин Неъматов, Шерали Шарипов, Олимжон Шокиров ва яна кўпдан-кўп кашшофлар шулар жумласидан. Бу ерда болаларни яхши нарсаларга ўргатишади. Табиатни севиш ва асрашга даъват этишади. Бундай машғулотни Низомий номли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Моҳира Фармонова олиб боради. Тарбияси оғир болалар билан эса муаллимлар институтининг учинчи курс толибаси Озода Эсонтурдиева шуғулланади.

Комаров номли лагерда дам олаётган болаларнинг ҳар бир куни жуда завқли, сермазмун ўтаяпти. Бу ерда бир неча маротаба бўлиб, кўп нарсаларни ўз кўзим билан кўрганим учун ҳам ана шундай фикрни қатъий ишонч билан айтаяпман.

**О. АДИЯНОВ.**

